


Термиз туманида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тунги рейдлар давом этмоқда



Туман прокуратураси, Ички ишлар бўлими ҳамда туман Миллий гвардия бўлими ҳамкорлигида “Хавфсиз ҳудуд” тадбири бўйича тунги рейд тадбирлари ўтказилиб, унда ҳудудларда жиноятчиликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, тунги вақтда жамоат жойларида кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилмоқда.

Бундан ташқари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликни жиловлашда бевосита “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилганлиги, содир этилган жиноятлар маҳаллалар кесимида таҳлил қилиниб, туманда куч-воситалар қайта тақсимланиб, “жиноят ўчоқ”ларини бартараф этишга йўналтирилмоқда.